

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Абдуллаев Равшан Вахидович

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси, «Ислом иқтисодиёти
ва молияси, зиёрат туризми» кафедраси,
Иқтисод фанлари доктори, профессор*

Юртимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотлар сўнгги беш-олти йил ичида ўзининг янги палласига кўтарилди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи ва обрўси сезиларли даражада ўсди. Зероки, Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ хориж давлатлари, хусусан, муслмон мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий алоқалари янада жадаллашди. Юксак молиявий салоҳиятга эга араб давлатларидан кириб келадиган инвестицияларга кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ислом Ҳаморлиги Ташкилотининг нуфузли анжуманида сўзлаган нутқида шундай деб, таъкидлаган эди: “Ислом олами улкан иқтисодий, инвестицион салоҳият, энергетика ресурсларига эга. Улардан тўғри фойдаланиш, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг халқаро савдо иқтисодий, молиявий, инвестицион ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатларимизни бирлаштирадиган транспорт йўллари ташкил этиш юксак иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларига эришиш имконини беради ва бу пировард натижада бошқа барча соҳаларнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қилади” [1].

Муслмон давлатларидаги фаолияти исломий молиялаштиришга асосланган мавжуд банклар, инвестиция фондлари ва компаниялар маблағларини Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш ва хусусий секторни қўллаб қувватлаш мақсадида жалб этиш айтиш муддаодир [2].

Ислом иқтисодий тафаккурининг тадрижий ривожланишини тўртта босқичга бўлиб, ўрганиш мумкин. Булар қуйидагилардан иборат:

- I. **Илк босқич.** Ислом иқтисодий тафаккурининг пайдо бўлиши ва шаклланиш даври;
- II. **Ўрта асрлар босқичи.** Ислом иқтисодиётининг илм сифатида шаклланиши ва бу борада Ибн Халдуннинг иқтисодий қарашлари;
- III. **Замонавий босқич.** Ислом иқтисодий тафаккурининг замонавий банк молия тизимига кириб келиши;
- IV. **Янги Ренессанс босқичи.** Ўзбекистонда ислом иқтисодиёти ва молиясини татбиқ этиш жараёнларининг бошланиши.

Ислом иқтисодий тафаккурининг илк куртаклари, албатта, Пайғамбаримиз (с.а.в.) га дастлабки ваҳий нозил бўлган даврданоқ намоён бўла бошлаган. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўз аёллари Хадича онамиз билан **музораба** концепциясини савдо-сотик фаолиятида қўллаганликлари, яъни

ишонч асосида молиялаштириш тамойилига кўра, тижорат ишлари билан шуғулланганлари барчага маълум. Халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) даврларида (634-644) ислом уммати ёки мусулмонлар фойдасига иқтисодий фаолиятни ривожлантириш учун кўплаб ишлар амалга оширилди, кейинчалик ушбу тамойиллардан бошқа жамоалар ҳам фойдалана бошладилар [3].

Ўша даврларда депозитар муассасаларнинг бўлмаганлиги сабабли аксария кишилар пул маблағлари ва қимматбаҳо буюмларини сақлаш учун ишончли кишиларга топширар эдилар. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) кишилар ишончини қозонган амин кишилардан бири эдилар ва токи Мадинага ҳижрат қилгунларига қадар мулкларни сақловчи сифатида танилган эдилар. Ўзларининг ҳижрат сафарларидан аввал ҳазрати Али (р.а.)га ўзларига ишониб топширилган омонатни қонуний эгаларига қайтаришни буюрдилар [3].

Ўрта асрлар мусулмон иқтисодчилари орасида қомусий олим, жаҳондаги биринчи жамиятшунос Ибн Халдун Хадрабий (1332-1406) муҳим ўрин эгаллайди. Унинг “Муқаддима” деб номланган асарида ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар, хусусан, кўчманчи ва ўтроқ бадавий қабилаларнинг уруғ-қабиллага оид тузилишлари, молиявий муносабатлари ҳамда кишилик жамиятининг иқтисодий ривожланишига доир муаллифнинг назарий қарашлари баён этилган. Аллома кишилар меҳнат фаолиятини жамият ривожланишининг ички манбаси деб ҳисоблаган.

Арабшунос-тарихчи олима С.М. Бациева таъкидлаганидек, Ибн Халдун қиймат сирини очган биринчи машҳур иқтисодчидир – у биринчи бўлиб қийматнинг туб моҳияти меҳнатда эканини англаб етди. Ибн Халдун истеъмол (харид) қийматини **ризқ** ва **касб**га ажратади. Инсон ўз қобилияти ва сарф этилган меҳнати ҳамда Аллоҳнинг ёрдами билан эгалаган барча нарса **касб** (орттирилган, ўзлаштирилган) деб аталади. Агар инсон ўзлаштирган барча нарса унинг эҳтиёжлари учун ишлатилса, бу **ризқ** дейилади [4].

Ислом иқтисодий тафаккурининг замонавий босқичи ўтган асрнинг ўрталаридан бошланиб, бугунги кунда ислом иқтисодиёти ва молияси жаҳон банк-молия тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб улгурди. Расман биринчи Ислом банки - “Мит Гамр” 1963 йилда Мисрда ташкил этилган. 1980 йилларга келиб эса дунёда исломий банкларнинг умумий сони 40 тадан ошиб кетди. Шунингдек, уларнинг нафақат сони, балки салоҳияти, яъни активлари ҳажми ҳам тез суръатларда ўса бошлади.

Ўзбекистон 2003 йилда ИТБ нинг тўлақонли аъзоси бўлди. Сўнгги 6 йил ичида мазкур банкнинг юртимиздаги фаолияти сезларли даражада жадаллашди. Масалан, 1991-2016 йилларда, яъни 25 йил мобайнида банк томонидан жами республикамизга 1,8 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлса, охирга 6 йил ичида 2.2 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди [5].

Мамлакатимизда ислом молиясини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳам ишлар жадал тус олмоқда. Ҳозирда “Арех insurance” суғурта компанияси ўз фаолиятида исломий суғурта – “**Такофул**”ни қўллаш бошлади. Бугунги кунда мавжуд банкларда “ислом дарча”ларини очиш ҳамда “**Сукук**”-исломий қимматли қоғозларини чиқариш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритилган.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ислом иқтисодий тафаккурининг ривожланиши миллий иқтисодиётимиз ва анъанавий банк-молия соҳаларига муқобил молия тизимининг кириб келиши учун мустаҳкам замин яратади. Бу эса ўз навбатида аҳолимиз қўлида сақланаётган катта миқдордаги бўш маблағларни жалб этиш ва уларни истиқболли лойиҳаларга йўналтириш имкониятини яратади. Ислом иқтисодиёти ва молияси каби мусулмон жамоаси ҳаёт фаолиятида муҳим ўринга эга бўлган соҳанинг равнақи яқин келажакда ўзининг ижобий самараларини бериши муқаррар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёевнинг *Ислом Ҳамкорлиги Ташкилоти ТИВлари 43-сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқи* <https://kun.uz/news/2016/10/18/>
2. Байдаулет Е. *Ислом молия асослари*. –Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
3. Жўраев Б. (таржимон). *Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти*. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014.
4. Беккин Р. *Ислом иқтисодий модели ва замон*. –Т.: «Ўзбекистон», 2019.
Абдуллаев Р. *Основные принципы исламского банкинга и тенденции в развитии сотрудничества Узбекистана Исламским Банком Развития*. «Paradigmata poznani». – Praga: Vedecko vydavatel'ske centrum «Sociosfera – CZ», –№ 1, 2019.

AHOLINING MOLIVAVIY SAVODXONLIGINI OSHIRISH JARAYONIDA MOLIVAVIY SAVODXONLIK VA MOLIVAVIY TA'LIM DASTURLARINING AHAMIYATI

Mahmudova Xushnoza Ravshanbekovna

*O'zbekiston jurnalistika va ommaviy kommunikasiyalar Universiteti mustaqil tadqiqotchisi,
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqarma boshlig'i*

Мотивавий саводхонлик дастурларини қабул қиладиган ва амалга оширадиган мамлакатлар sonи yil sayin ortib bormoqda. Xususan, 2007 yildayoq Yevropada aholining motivaviy savodxonligini oshirish uchun 180 dan ortiq dasturlar mavjud edi [1]. Tajribada muvaffaqiyatli deya e'tirof etilgan milliy dasturlar AQSh, Buyuk Britaniya, Germaniya va Avstriyada, bozor iqtisodiyoti rivojlanayotgan мамлакатлар orasida esa – Bolgariya, Sloveniya va Polshada ishlab chiqilgan va amaliyotda qo'llanilmoqda.

Birinchi marta siyosiy iqtisodchi A. Smit motivaviy ta'limning shakllanishi va iqtisodiyotning rivojlanishi o'rtasidagi bog'liqlikni isbotladi [2]. Shunga qaramay,